

(Сирларнинг кашф этилиши)

Махжуб хакида

Мен бу китобни “Кашфул-махжуб” деб атадим. Истагим: ички нур билан безалган инсонлар китобнинг номини ўқиганданок унинг нима хакида эканлигини дархол англаб етсинлар.

Шуни унутмаслик керакки, барча инсонлар рух хакикатидан нозик парда билан тўсилгандир. Оллохнинг дўстлари бўлган пайгамбаримиз, азиз-авлиёлар бундан мустасно, албатта. Ушбу китоб Хакка етишмоқ йўлида тасаввуф ахлининг берган фикр-мулохазаларини ўз ичига олганлиги учун ҳам шундай ном олди, бошқача ном билан аташ ўринли эмас эди.

Парда кўтарилган вақтда парда орқасидаги нарса кўринади. Бу худди ким узок бўлса якин бўлолмайди, якин турса узок бўлолмайди, деган сўзга ўхшайди. Масалан: сирка ичида тугилган жонзот сиркасииз жойда яшай олмайди, сиркасииз жойда тугилган жонзод сиркага тушса дархол нобуд бўлади.

Хак йўлида юриш кийин. Аммо шу максатда дунёга келган одамга бу кийин эмас. Хадис: “Ким нима учун яралган бўлса, ўшани осонгина топа олади”.

“Парда” икки хил бўлади. Бири – ёпувчи (хижоби райний), иккинчиси – хиралаштирувчи, коронгилаштирувчи (хижоби гайний). Биринчисини умуман очиб бўлмайди, иккинчиси очилиши мумкин. Уларнинг орасидаги фарқ тахминан бундай: масалан, бир одам ўз мохиятига кўра, ҳақдан парда орқали тўсилган бўлади. Унинг учун хақиқат ва ботилнинг фарқи йўқ. Бошқа биров эса маълум сифатлар орқалигина Ҳақдан хижоб орқали ажратилган бўлади. Бундай одам доимо орадан ўша пардани кўтариш йўлини излайди, ёлгон-у ботилдан кочади. Шунга кўра, “хижоби райний”ни очиб бўлмайди. “Райн” сўзи “хатм” (муҳрланган), “табъ” (табиат, феъл) маъноларида ҳам қўлланилади.

Вақти келиб Хак ва нафс ўртасида хижоб кўтарилиши, чунки нафс сифатлари ўзгариши мумкин.

Мутасаввиф шайхлар “райн” ва “гайн” хакида кўплаб фикрлар колдиришган. Жунайд (разийаллоху-анху) айтади: “Ар-Райн мин жумлат ал-ватанат, вал-гайн мин жумлат ал-хатарат” – яъни “Райн доимий ва ўзгармас ва хатарлар жумласидан, “гайн” эса ўзгарувчилар жумласидан. Чунки, ватан – доимий, хатар эса ўткинчидир.

Масалан: тошга канча сайкал берганинг билан у ойнага айланмайди. Асли маъдан бўлган, аммо бирон сабаб билан хиралашган ойнани эса яхшилаб артиш орқали тиник кўзгуга айлантириш мумкин.

Мен бу китобни ўз калбини поклаш, дунё чангларида тозалаб сайкаллаш йўли билан Хак нурига етишмоқчи бўлган инсонлар учун ёздим. Улар бу китобни ўқиб, ўз нафслари ва хақиқати ўртасидаги парда кўтаришнинг ўзига хос йўлини кашф қилдилар. Хак йўлини инкор қилувчи, “хижоби райн” тарафидагилар эса бу китобни ҳеч қачон тушуна олмайдилар ва ўқиш улар учун фойдасиздир.

Билимларнинг юзага чиқиши

Олимлар хақида хадиси кудсийда шундай марҳамат килинади: “Оллохга хизмат киладиганлар орасида фақат олимларгина ундан кўрқадилар”. Оллох расули Мухаммад (с.а.в) шундай демишлар: “Илм ўрганиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир”. Мухаммад (с.а.в) яна шундай демишлар: “Чинга бориб бўлса ҳам илм изла!”

Билимлар чексиз, инсон умри эса чегараланган. Барча илмларни эгаллаш учун инсон умри етмайди. Шунга кўра, у фақат зарурий билимларга эга бўлиши kifоя. Фалакиёт, риёзиёт, тиббиёт сингари илмлар борки, уларнинг инсон билиши шарт бўлган жихатлари бисёр. Масалан, фалакиёт (астрономия)ни намоз ва тоат-ибодат вақтларини тўғри аниқлаш учун, риёзиёт (математика)ни меросни тўғри тақсимлаш, идда кунларини тўғри ҳисоблаш учун, тиббиётни жон маркабини турли ташки таъсирлардан сақлаш билиш ва тоат-ибодат учун доимий кувватга эга бўлиш “сир”ларини англаш учун ўрганилади.

Одамнинг ҳаракат дастурини тўғри белгилаб олиши учун билимлар зарур, албатта. Илмларни чуқур ўрганган сари инсон Оллох таолонинг сифатларини шунчалик яқиндан била боради. Оллох фойдасиз билимларни эгалловчиларни лаънатлайди. Пайгамбар (с.а.в) хадисида бундай дейилади: “Фойдасиз билимларни эгаллашдан ўзинг асра!”. Озгина билим билан ҳам катта ишларни бажариш мумкин, қачонки бу илм диёнат (соф виждонга) асосланган бўлса. Пайгамбар сўзи: Дин илмидан хабарсиз мутаассиб жувозга кўшилган эшакка ўхшайди. Зеро, бундай ҳолатда эшак изи бўйлаб айланаверади, юриши унмайди.

Айрим уламолар илмни амалдан устун кўядилар, айримлар эса амални илмдан устун деб биладилар. Аммо иккаласи ҳам хато килади. Илм билан боғланмас экан, амал тақдирлашга лойик эмас. Масалан, намозга киришдан аввал кибла аниқланиши керак. Киблани билмай ўқилган намоз ботилдир. Илмсиз амал кишини ҳалокатга дучор килади. Шунингдек, амалсиз илм ҳам бефойда. Икки тоифадаги одам албатта адашади. Биринчиси, илмни юзаки, номига эгаллаган, уни нимага сарфлаш йўлини билмайдиган кишилар, иккинчиси, амалиёт бўлса бас, илм ўрганиш шарт эмас, дегувчилар.

Иброҳим Адҳам илм излаб сафарда юрган кезларида бир тошга дуч келибди. Унда шундай ёзув бор экан: “Тошнинг орқа томонига қара”. Шундай килибди. Қараса, тошнинг орқа томонида “Бор илмингга амал қилмайсан, нега янги илм излайсан?” деган ёзувга кўзи тушибди.

Анас ибн Молик бундай дейди: “Оқил билишга, нодон олишга ҳаракат килади”

Агар қимки илмни ҳокимият, шон-шараф, бойликка эга бўлиш учун ўрганса, у олим эмас. Илм эгалламасдан туриб, Оллохни таниш мумкин эмаслигини англаган киши хақиқий мужтаҳиддир.

Илми “қол” ва илми “ҳол” хақида

Билимлар ўз моҳиятига кўра икки хил бўлади. Илохий (ҳол) ва инсоний (қол). Инсоний

илм илохий илм олдида кийматсиздир. Илохий илмлар туганмас ва мангудир. Инсонга хос илмлар эса чекланган.

Илм деганда у ёки бу нарса хакида билимга эга бўлиш ёки уни камраб олишни тушунамиз. Аниқрок килиб айтганда, илм ёрдамида билимсиз, авом одам донога айланади.

Илохий билим оркали мавжуд ва номавжуд хилкатлар билиб олинади. Илохий билим бўлинмас ва Оллохдан ажралмас бир хилкатки, бунинг тасдигини Парвардигорнинг тавфики билан англаш мумкин. Илохий билимлар яширин маъноларни ўз ичига олади ва уларни кашф этади. Илохий билим орифга, олимга хар бир харакатда Оллохни кўришга имкон беради. Ориф хар бир харакатини Оллох кўриб турганлигини аниқ хис килади.

Ривоят килишларича, Басра амалдорлардан бири ўз богига кирганда, ногахон богбоннинг гўзал хотинига кўзи тушибди. Богбонни бир юмуш билан юбориб, аёлга шундай дебди:

– Дарвозани беркитиб кел!

Аёл унга жавобан шундай дебди:

– Хамма жойни беркитдим, факат бир нарсани беркитолмадим. У сира тўсилмайди.

– Беркитиб бўлмас нарса нима эди?

– Оллохдан хеч нарсани беркитиб бўлмайди.

Амалдор бу жавобни эшитиб, килмишидан пушаймон бўлди ва аёлдан кечирим сўради.

Авлиё Хотим ал-Асом бундай дейди:

– Мен тўрттадан ташкари барча дунёвий билимлардан воз кечдим.

– Тўрт дунёвий билимлар кайсилар?

– Биринчиси, билганим шуки, менинг ризким канча белгиланган бўлса, шунчаси насиб килади, оз хам эмас, кўп хам эмас. Шунга кўра, улушимни кўпайтираман, деб овора бўлиб ўтирмайман. Иккинчиси: Яратган эгам олдидаги карзимни ўзимдан бошка хеч ким узолмайди. Умр бўйи ўша карзни узиш билан бандман. Учтинчиси: мени доимо бир нарса (ўлим) таъкиб килади. Ундан кочиб кутилиб бўлмайди. Доимо уни кутиб олиш харакатидаман. Ва охиригиси, тўртинчиси: Оллох томонидан доимо кузатувдаман ва рухсат этилмаган ишни килишдан уяламан.

Билим хакида пирларнинг деганлари

Мухаммад ибн Фазл ал-Балхий дейди:

“Билимлар уч хил бўлади – Оллохни таниш илми, Оллох билан робита (богланиш) илми, ладуний илм”.

Ладуний илм-маърифатни Оллох таоло факат ўз пайгамбарларига ва азиз – авлиёларга ато килади. Ладуний илмга оддий воситалар билан эришиб бўлмайди.

Оллохни таниш илми оркали биз бажарилиши шарт бўлган шариат конун-қоидаларини билиб оламиз. Уни “шариат илми” деса хам бўлади.

Оллох билан робита (богланиш) илми авлиёлик даражаси ва маком манзиллари хакида билимга эга бўлишдир.

Илохий илм (маърифат)га шариат ахкомларисиз эришиб бўлмайди. Шариат илмига эса

манзилма-манзил, даражама-даража эришиш мумкин.

Улуг пирлардан бири Абу Али Сакофий (Нишопурлик авлиё, вафоти 328 хижрий) дейди: “Илм – калб хаёти, иймон нуридиким уни гафлат халокатидан, кофирлик залолатидан омонда саклайди”.

Дахрий калби ўликдир, зеро, улар Оллохдан хабарсиздирлар, юраклари давосиз касалдирки, Оллох кўрсатмаларидан беҳабардир.

Абу Бакр Варрок Термизий дейди:

“Зухдга (халол, покликка) асосланмаган, факат фикрга каноатланган илм зиндикликка олиб келади. Фикхга (шариатга) асосланган, аммо варъага (покликка) асосланмаган илм софлигини йўкотади”.

Оллохнинг ягоналигини (тавхидни) риёзат чекмасдан билмокчи бўлган сулук жабрдан нарига ўтолмайди. Тавхидни даъво килган шогирд казо ва қадар мазмунига амал килиши, бундан ташқари, тақдир ва ирода эркинлиги ўртасида “олтин оралик”ни эгаллаб, ирода эркинлигига иктидо килмоги лозим”.

Пирнинг яна бир хикматида шундай дейилади:

“Тавхид қисматдан олдинда, ирода эркинлигидан юкори туради”.

Ахлоқ ва иймонни йўқотиш пала-партишлик ва гафлатдан келиб чиқади.

Атоқли пир Яхё ибн Муоз ар-Розий дейди:

“Жамоатни уч хил одамлардан эҳтиёт қилинг: олимларни назар-писанд қилмайдиган, Қуръони қаримни мунофикона тиловат қилувчилар ва нодон, тақлидчи сохта сўфийлардан”.

Қалби факат дунёвий фойда кетидан қувишга, ҳукмдор ва золимларга ёкишга мойил, ўз қобилиятига қатта баҳо бериб, турли мунозаралар ва диний уламоларга ҳужум қилиш билан вақт ўтказадиган бундай қишилар олимларга паст назар билан қарайдилар.

Қуръони қаримни мунофикона тиловат қилувчилар орзу-истакларига мос келадиган бўлса энг ёмон, ҳатто ҳамма ланъатланган нарсалардан ҳам тоймайдиган қимсалардир. Эзгулик, ҳатто у энг хайрли бўлса ҳам уларнинг феъл-атворига тўғри қелмайди. Улар одамларга ёкиш учун ноҳолис ҳатти-харакатлар қиладилар.

Жохил тақлидчи, сохта сўфийлар пир қўрмаган, шайхлардан одоб ўрганмаган, маънан тажрибага эга бўлмаган, сўфийларча қўқ уст-бош қийиб одамларни қалғитиб юрувчи тийиксиз нафс сўқмоқларидан юрувчи қишилардир.

Боязид Бистомий шундай дейди:

“Ўттиз йил ўзимни маънан жиловлашга уриниб шу нарсага амин бўлдимки, илмга амал қилишдан оғирроқ нарса йўқ экан”.

Одам табиатида илмга амал қилишдан қўра оловга қириб чиқиш осонроқдир. Жохиллар учун эса бир қатра илм эгаллашдан қўра минг марта пулсиротдан ўтмоқ осонроқ туюлади.

Қалби нотоза одам заррача илмни ҳаётга татбиқ қилиш ўрнига ўз қодирини билан жаҳаннамга қулашни афзал билади. Сизга эса билим ўрганиш ва даражангизни ошириш буюрилгандир.

Агар қимқи гайрат билан илм эгалласа, унинг билими қамолга етган сари қўз олдида ҳақиқат намоён бўлаверади. Охир-оқибат у шуни билиб оладики, билимнинг охири йўқ ва унинг нима билан тугагини ҳеч қим қилмайди. Зеро, бор нарсаларнинг номларини билиш ҳали ҳақиқатни билиш дегани эмас.

## Факирлик хакида

Билгинки, факирлик хакикат йўлидаги энг баланд макомдир. Факир киши эса юкори хурмат эгасидир.

Пайгамбар (с.а.в) хадиси:

“Ё Оллох, менга факирларча хаёт бер, факирларча ўлим бер ва киёматда ўзинг ёрлакаган факирлар каторида тирилтиргин”.

Яна Пайгамбар (с.а.в) хадиси:

“Охират куни Оллох бундай дейди:

– Менинг севган бандаларимни чакиринг.

Шунда фаришталар сўрайди:

– Сенинг севганларинг кимлар?

Оллох жавоб беради:

– Факирлар ва мискинлар.

Пайгамбаримиз (с.а.в) даврларида ул зот билан бирга Маккадан Мадинага хижрат килган мухожирларнинг кўпчилигини камбагаллар ташкил килар эди. Улар асосий вақтларини масжидда Оллохга ибодат этиш ва Яратганга таваккул килиш билан ўтказишар, уларнинг ризқларини Оллохнинг ўзи етказишига каттик ишонар эдилар. Пайгамбаримиз(с.а.в)га эса улар хакида гамхўрлик килиш буюрилган эди.

“Эрта-ю кеч Парвардигорнинг юзини истаб унга илтимос киладиган зотларни (хузурингиздан) хайдаманг. Сизнинг зиммангизда уларнинг хисоб-китобларидан хеч нарса йўқдир ва сизнинг хисоб-китобларингиздан уларнинг зиммаларида хеч нарса йўқдир. Бас, уларни хайдаб, золимлардан бўлиб колманг”. (Анъом сураси, 52-оят).

Шунинг учун ҳам Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо (с.а.в) улардан (мухожирлардан) бирини кўрган захоти “Отам-онам сизга курбон бўлсин, сиз туфайли Оллох мени ўзига бундай каратди”, деб мухожирларга ёрдам беришдан чарчамасди.

Шундай килиб, Оллох бутун зохирий ва ботиний оламини иймон-эътикодга багишлаган факирларни улуглади. Факирлик уларнинг фахрига айланди. Сахобалар факирликнинг кетишидан кўзёши тўқдилар, келишидан кувондилар.

Факирлик ўзининг расм – анъаналарига, мохияти (хакикати)га эга. Доимий йўқчилик ва мухтожлик унинг анъанасидир. Охират саодати ва эркинлик унинг мохиятидир.

Ким унинг зохирини танласа максадга, яъни мохиятга етолмай зохирийлигича колади.

Ривоятда айтилишича шох бир дарвешни чакириб бундай дебди:

– Кани, нима тилагинг бўлса мендан илтимос кил!

Дарвеш жавоб берибди:

– Кулларимдан бирор нарса сўраш одатим йўқ.

– Бу нима деганинг?

– Менинг иккита кулим бор. Улар эса сенинг хўжайинларингдир. Булар – хохиш ва орзу-хавас.

Пайгамбар (с.а.в) хадиси:

“Факирлик ўзига муносибларга шухрат келтиради. Бу шухрат шундан иборатки, факирнинг бадани илохий тарзда пасткаш ва гунохли килмишлардан химояланган, юраги эса кабохат ва хатарли ўй-хаёллардан холи бўлади. Чунки унинг зохирий аъзолари Оллохнинг раҳмати билан, ботини эса Парвардигорнинг мархамати билан

химоялангандир. Шунинг учун ҳам уларнинг баданлари рухоний, калблари раббонийдир. Факирликда олам ва одамлар билан алоқалар узилади. Факирлик тарозисида бу дунё пашша канотича огирликка эга бўлмайди, ўша дақиқада одам икки дунёдан ҳам енгиллашади”.

Факирликнинг афзаллиги ва ганийлик хакида

Сўфий шайхлари факирлик ва ганийлик тушунчалари хакида, бу тушунчалар одамийнинг сифатларига айланганлиги хакида турли фикрларни билдирадилар. Зеро, хакикий ганийлик Оллох сифатидирки, бошка сифатлари катори қомиладир.

Яхё ибн Муоз ар-Розий, Ахмад-Ховарий, Хорис ал-Мухосибий, Абул Аббос ибн Ато, Рувайм, Абул Хасан ибн Симъун ва хозирги замон (XI аср) шайхларидан мавлоно Абу Саид Фазлуллох ибн Мухаммад ал-Майхоний сингари пирлар факирликдан ганийликни устун кўядилар.

Улар буни шу билан асослайдиларки, ганийлик Оллох сифатидир. Оллохга факирлик сифати тўғри келмайди. Ганийлик Оллох ва одамнинг умумий сифати бўлиб, ҳеч нарсани бундан юкори кўйиб бўлмайди.

Менинг фикримча (Хужвирий): ганийликнинг Оллох ва инсонга нисбатан олинганлиги оддий сўз санъати бўлиб, амалда эса бундай эмас. Хакикий ўхшашлик бир-бирига бутунлай мос келишда кўринади. Оллох сифатлари мангу (доимий), одамники эса яратилгандир. (У йўқолиши ҳам мумкин). Шунга кўра, бундай дейиш ўринсиздир.

Менимча ҳам (Хужвирий) ганийлик инсонга эмас, Аллохга хосдир, факирлик эса Оллохга эмас, инсонга хосдир.

Банданинг “ганий” аталганлиги оддий ўхшатиш (сифатлаш) бўлиб, хакикатда эса ҳеч қачон ганий бўла олмайди.

Яна бир далил: одам тўплаган (бойлик) мол-дунё одамга берилган тасодифий ҳолатдир. Оллохнинг ганийлиги эса барча ҳолатларнинг яратувчиси учун тасодифий эмас, доимийдир. Шунга кўра, ганийлик сифатининг (одам ва Оллохга) тенг эканлиги хакида гап бўлиши мумкинми?

Хусусият, мохият, асмои хусно соҳасида Оллохга шерик излаш кечирилмас ҳолдир. Оллохнинг ганийлиги ҳеч қандай зотга боғлиқ эмас, Оллох нимани хоҳласа ўзининг ҳукмидадир. Хамиша шундай бўлган ва шундай бўлиб қолаверади. Одамнинг бу дунёда тўплаган мол-дунёси, яшаш учун керакли воситалар, хаёт қувочлари, гуноҳдан қутилиш ёки мушоҳада билан таскин топиш, ҳаммаси ўтқинчи ва ўзгарувчидир.

Оддий одамлар орасида шундайлари ҳам борки, бойларни факирлардан устун кўядилар ва буни шундай асослайдилар. Эмишки, Оллох ганийларни икки дунёда саодатли қилиб яратган ва шунинг учун уларга кўп мол-дунё ато этган. Бойлик деганда улар дунё мол-мулкани, роҳат-фарогатини, орзу-истакларининг амалга ошишини тушунадилар.

Буни шу билан асослайдиларки, Оллохнинг берганига шукур, факирликда сабр килиш, омади чопмаганда бардошли бўлиш, муваффакият козонганда (Оллохдан) миннатдор бўлиши керак. Зотан, муваффакият уни кўлдан беришга караганда яхшидир.

Бунга жавобан мен шундай дейман: Оллох бизга муваффакият учун шукроналик билдиришни буюрар экан, бизнинг муваффакиятимизни кенгайтирувчи воситаларга Оллох раҳмати ёгилган бўлади. Омадсиз холларда одамзодга сабр-бардошли бўлишни буюрар экан, Оллох ўзига якин килиш йўлида сабр-бардош ато этади.

Оллох сўзи: “Касамки, агар берган неъматларимга шукур килсангизлар албатта (уларни янада) зиёда килурман” (Иброхим сураси, 14-оят).

Оллох сўзи: “Аллох албатта, сабр килувчилар билан биргадир” (“Бакара” сураси, 153-оят).

Шайхлар ганийликни факирликдан устун кўйган эканлар, бунда “бойлик” (мол-мулк) тушунчасини умумистеъмол маъносида кўлламаганлар. Улар бунда бойликка эришмокни эмас, бойликни берувчига эришмокни назарда тутганлар. Шу нарса аниқки, Оллохга якинликка эришмок ва Парвардигор магфирати (гунохларни авф этиши)га эришмок – иккаласи бутунлай бошка-бошка нарсалардир.

Кўпчилик сўфий шайхлар ва оддий одамлар факирликни бойликдан устун кўйишларига сабаб шулки, Куръони карим ва хадиси шарифда факирликнинг устунлиги таъкидланади. Мусулмонларнинг кўпчилиги бу фикрни маъкуллайдилар.

Тарихда Жунайд Багдодий ва Восил ибн Атонинг бу масалада мунозара килганликлари хақида ёзиб колдирилган. Буни ўқиган эдим: ибн Ато (р.а) ганийликнинг устунлигини шу билан изохлайдикки, махшар куни хар бир одам топган бойлиги учун хисоб беради.

Жунайд (р.а) бунга жавобан:

“Ха, Оллох таоло бойларни махшар кунида хисоб бериш учун факирларни эса оклаш учун чакиради, окланиш эса жавобгарликка тортилишдан авлодир”, дейди.

Сулаймон пайгамбарнинг шохлиги хам, гадо (факир)лиги хам бир хил. Аюбнинг сабр-бардоши (балолар ўтида) адо бўлаёзганида Сулаймоннинг подшолиги чўккига кўтарилган эди. Оллох иккаласига хам бир хил маънода сўз айтди. Сулаймон хақида “накадар яхши бандадир” (“Сод” сураси, 30-оят), Аюб пайгамбар хақида “У накадар яхши бандадир” (“Сод” сураси, 44-оят) деди. Оллох берган ганийлик Сулаймоннинг бойлигини хам, факирлигини хам баробар килади.

Муаллиф сўзи:

“Мен эшитдимки, Абдулкосим Кушайрий (р.а) шундай деган: “Одамлар факирлик ва бойлик хақида кўп сўзлайдилар, бировлар бойликни, бошқалар факирликни танлайдилар. Мен эса Оллох менга нимани лозим кўрса, ўшани танлаган бўлардим. Агар Оллох менга бойликни лозим кўрса, йўқ демас эдим. Агар Оллох менга факирликни лозим кўрса, таъна килмасдим ва ношукурлардан бўлмасдим”.

Шунга кўра, ганийлик ва факирлик одамга берилган илохий тухфадир.

Ганийлик фасоди – бузилиши фаромушликдан (ношукурликдан), факирлик фасоди манфаатпарастликдан дир.

Иккаласи хам бир-биридан кам эмас. Аммо улар хаётда кандай кечиши билан бир-биридан фарк килади. Факирлик дилни Оллохдан бошка хамма нарсадан тозалаш, ганийлик (бойлик) эса дилни барча нарсалар, хатто сўз-ла таърифлаб бўлмас нарсалар билан тўлдиришдир.

Агар дил Оллохдан бошка барча нарсалардан тозаланган бўлса факирликдан хам, ганийликдан хам устун даражага етади.

Ганийлик дунё нарсаларига кўзи тўклик, факирлик эса ана шу нарсаларнинг етишмаслигидир. Аммо барча мавжудотлар Оллохга тегишлидир. Агар изловчи, солик топганлари билан видолашса, ганийлик ва факирлик карама-каршилиги йўколади, униси хам, буниси хам ахамиятсиз бўлиб қолади.

Сўфий шайхларнинг факирлик хақида деганлари

Замондошларимиздан бири шундай дейди: “Бутун борлиги шу дунё ашёларидан тоза бўлган одамгина факир саналади”. Масалан: кимга Оллох акча берса-ю, у акчаларни саклаб қолса хам, қайтарса хам факир бўлолмайди. Зеро, факирлик ҳар қандай танловдан холидир.

Яҳё ибн Муоз ар-Розий бундай дейди:

“Ал – факир хавф ал-факир” (факир факирдан кўркади). Хақикий факирлик белгилари: авлиёлик, мушохадалар чўккисига хамда йўклик, фано даражасига эришган одам уни йўқотиб қўйиш ва унга бирор зарар етишидан кўркиб яшайди.

Рувайм (р.а) бундай дейди:

“Факирлик белгиси: унинг юраги турли худбинона назоратлардан, қалби турли айниш ва бузилишлардан муназзах (тоза) бўлган ибодатдир. Бу эса, тафаккур қилиш ҳаракат қилишга ҳалакит бермайди, тутган йўли эса тафаккурга ҳалал бермайди, бу эса бандалик сифатини йўқотиш, (яъни, рухий оламда яшаш) демакдир.

Бишри Хофий (р.а) айтади:

“Макомлардан энг яхшиси – факирликка ўлгунча чидамли бўлишдир”.

Факирлик бор “макомларни” йўқотмокдир. Шунга кўра, факирликка бардош бермок иш ва ҳаракатларнинг тугал эмаслигини хис этиб, одамнинг барча (фоний) сифатлардан воз кечмогини билдиради. Маълумки, бу билан факирлик бойликдан устун қўйилмокда ва факирликни ҳеч қачон қўлдан бермаслик таъкидланмокда.

Шиблий (р.а) дейди:

“Факир Оллохдан бошқа ҳеч нарса билан қаноатланмайди, бошқа (нарса)ни хохламайди хам”. Гап шу ҳақда бормокдаки: унингсиз ганий бўлолмайсан, Унга эриш – бой бўласан. Сенинг вужудинг “Оллохдан бошқадир”. Шунинг учун хам ўша “бошқа” (“бегона”)дан қутулмагунча ганий бўлолмайсан. Сенинг нафсинг сен билан ганийлик ўртасидаги парда (тўсик)дир. Шу парда кўтарилса сен чинакам ганий бўласан.

Бу мулоҳаза жуда нозик ва икки маънолидир. Аҳли ҳақиқат деб аталувчилар буни “факирлик ҳеч қачон фақр макомидан айрилмайди” деб тушунадилар.

Абдуллох Ансорий (р.а) хам шундай деб ўйлар эдилар. Ул ҳазратнинг айтишича:

Бизнинг дардимиз (гам-аламимиз) ўткинчи эмас, бизнинг интилишимиз бесамар мақсад сари етказмайди, қанча ҳаракат қилмайлик, икки дунёда фано (йўклик) даражасига эриша олмаимиз, бу фоний дунё бойликларидан фойдаланиш қариндошликка ўхшаб кетади. Оллохнинг эса қариндоши йўқ.

Ундан (Оллохдан) юз буриш учун (одам) фаромушхотир бўлиши лозим. Дарвеш эса унутиш хусусиятидан маҳрумдир. Қандай улугвор вазифа, қандай машаққатли йўл бу! Фано топган нафсини йўқотган киши бако (мангулик) билан бирлашмагунча мангу ҳаётга



эриша олмайди.

Факат риёзиёт (мехнат) йўлидан борган кишигина бунга эришиши мумкин. Аммо биз ўзимизни овутиш учун “тарик” (йўл) деган гапларни ўйлаб топдик. Рамзий иборалар ўз-ўзига, “манзил” эса инсон табиатидан нари эмас. Шундай экан, кандай килиб инсоний сифат ва муносабатлардан у худди Оллохдек холи бўлиши мумкин?

Юкорида айтилганларнинг таъсири ва ахамияти жуда муҳимдир. Бунинг асосан икки муҳим жихати бор.

Биринчиси: агар одам ҳеч нарсага эга бўлолмаса у ўз ҳолатига каноат ҳосил қилади. Агар бирон нарсага эришса, унинг саҳийлиги муҳаббатга айланади. “Каноатланган” дегани иймон либосини қабул қилиш (“қабули хилъат”) демакдир. Иймон либосини киймок Оллохга яқинлашиш (қурбат) белгисидир...

Мен бу соҳада чала тушунчалари сабабли фақирлик моҳиятини инкор этувчи сохта сўфий ва сўзбоз (арбоб ал-лисон)ларни кўрдим. Аслида улар фақирлик моҳияти хусусиятларига эга бўлишни хохламаганликлари учун уни инкор қилдилар. Улар ўзларининг (маънавий) рухий даражаларини “фақирлик” ва “поклик” деб атаб, ҳақиқат ва аслиятга етиша олмадилар. Буларнинг ақидаси барча ўзга нарсаларни инкор қилиб ва тантиклик одатини папалаб вояга етказишга ўхшаб кетади.

Уларнинг ҳар бири маълум даражада фақирликдан тўсилган эди. Сўфийлик тушунчаси эса маънавий даражаларини тобора такомиллаштириб боришни такозо этади.

Натижада улар сўфийликни тўлик эгаллаб олдик деб даъво қилдилар. Аслида фақирлик рухий – маънавий ҳолатнинг аъло даражада такомиллашувига боғлиқдир. Шунга кўра, солиқнинг такомиллашиш йўлидаги манзил ва бекатлардан ўтишидан, рамзий маъноларни англаган ҳолда олга юришидан бошқа иложи йўқ. Акс ҳолда донолар олдида билимсиз (оми) кишига айланиб қолиши мумкин.